




ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 110 (9.607) 2001 йил 19 сентябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА сатрларда

□ **ШАҲРИМИЗДАГИ** Солиқ коллежиди Тошкент шаҳар ҳамда ҳамма туман Маънавият ва маърифат марказлари ташаббускорлигида ўтказилган «Ўзбекистон — иқтисодий ривожланиш йўлида» деб номланган давра суҳбатида мамлакатимиз олий ўқув юртиларининг таниқли олимлари иштирок этишди.

□ **ЭРТАГА** Аналар ва болалар йили муносабати билан Юнусобод туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида маҳалла фуқаролари иштирокида Тошкент шаҳар «Меҳри аёллар» жамияти ҳамда Юнусобод туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббускорлигида «Оила — жамият негизи» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида қарашли «2-Чарх Камолон» маҳалласи ҳудудида жойлашган тиббиёт билим юртида талабалару маҳалла фуқаролари иштирокида Чилонзор туман ҳокимлиги ташаббуси билан бўлиб ўтган анжуман «Ватан туйғуси ҳар нарсадан азиз» деб номланди.

□ **РЕСПУБЛИКА** ўқувчилар саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Болалар» ташкилоти ташаббуси билан пойтахтимиздаги мактабларнинг ўқувчилари иштирокида ўтказилган ўқув семинари Аналар ва болалар йилига бағишланди.

□ **ТОШКЕНТ-Бизнес** клубида тадбиркорлар

иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш масаласига бағишланди.

□ **ОНАЛАР** ва болалар йилига бағишлаб Миробод туманида тумандаги маҳаллалар оқсоқоллари, мактаблар ўқитувчилари иштирокида тумандаги воғта етмаганлар билан ишлаш комиссияси ташаббускорлигида ўтказилган тадбирда болалар тарбиясининг мукамал бўлиши учун оила — мактаб — маҳалла томонидан бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

□ **ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ** меҳмонхонасида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан Аналар ва болалар йилига бағишланган мамлакатимиз ёшлари иштирокида «БМТни биласизми?» деб номланган викторина бўлиб ўтди. Унда муваффақиятли иштирок этган ёшлар ушбу тадбир мутасаддиларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

□ **ТУРКИСТОН** саройида эстрада санъати усталари иштирокида Аналар ва болалар йили муносабати билан гала-концерт бўлиб ўтди.

□ **РЕСПУБЛИКА** Ёш томошбинлар театри ўзининг 73-мавсумини бошлади. Унда ёш томошбинларга Тоғай Муроднинг «От кишига нақ оқшомда» қиссаси асосида тайёрланган спектакль намойиш этилди.

□ **ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ** томонидан «ЭКОЛОГ - Бинго» лотереяси ҳам қизиқиш билан ўйналмоқда. Кунни кеча ушбу лотереянинг дастлабки ютуқлари икки ҳамшаҳаримизга насиб этди. Ҳодиблар «SONI» телевизорига эга бўлишди.



Пойтахтимиздаги «Компрессор» заводда тайёрланган тадбиркорларга талаб ошиб бормоқда. Жамов эришган ютуқларга ушбу суратда тасвирланган илгор ишчилар ҳам муносиб улуш қўшимоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

САНОАТ

Сифатли маҳсулотлар

Замонавий, юксак унумли технологияни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлашнинг асосий омилларидан биридир. Буни пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Тошкент китоб-журнал фабрикаси мисолида ҳам аниқ кўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу корхонада йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сифати, унинг турлари ортиб бормоқда. Айниқса, жамонинг асосий муқовалаш цеҳига Германиянинг «Колбус» фирмасидан келтирилган линия ўрнатилган буюртмалар сони ҳам кескин кўпайди, унумдорлик эса икки баравардан ортиққа ўсди.

— Бунга асосий сабаб, — дейди корхона директори Азимжон Рихсиев, — ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг сифати юқорилиги ва

шунинг баробарида буюртмачи талабининг ўз вақтида қондирилаётганидир. Ишмишда учраётган муаммоларни эса йўл-йўлакай тадбиркорлик билан ҳал этишга эришялмиш.

Корхона ишчи-хизматчиларининг моддий манфаатдорлиги ортиб бориши ҳам ютуқлар гаровидир. Бугунга келиб жамоада ўртача иш ҳақи 33 минг 400 сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек, бепул тушлик берилади, махсус автобус ишчилар хизматига. Ишчи-хизматчиларнинг соғлиғига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шифохона ва

полкликникалар шартнома асосида уларни бепул тиббий куриклан ўтказди.

— Режаларимиз кўп, — дейди Азимжон Рихсиев, — уларни амалга ошириш йўлида доимо ҳаракатдамыз. Яқинда «Осиё тараққиёт ва ривожланиш» банки томонидан 850 минг доллар кредит олишга муваффақ бўлдик. Албатта, бу маблағ сифатли хом ашё сотиб олиб, рақобатдош, мустақкам, чиройли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сарфланади.

Корхонанинг 215 нафарли аҳил жамоаси баракали меҳнат қилиб жорий йилда 600 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашни режалашган. Бугунги меҳнат, излаш ва интилиш ана шунга яраша бўлмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

ТРАНСПОРТ

Ихтирочилар сафи кенгаймоқда

Транспорт хизматини янада яхшилаш ҳаракат таркибига кўрсатиладиган техник хизматга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмасида масаланинг бу муҳим томонига катта аҳамият бериб келинмоқда.

Ана шу жараёни яхши йўлга қўйиш мобайнида техника ижодкорлиги ҳам ривож топмоқда. Бу эса ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатига кенг йўл очиб бермоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида уюшма бўйича 200 дан ортиқ техника ижодкорлиги юзга келди. Шулардан 180 таси энг яхши рационализаторлик таклифи сифатида ишлаб чиқаришга жорий этилди. Янгилик

изловчилар саёй-ҳаракати туфайли уюшмага қарашли сарой, корхоналар йилига 18366 минг сўмлик иқтисодий фойда кўради.

Уюшманинг «АР3—2» корхонаси рационализаторларни излашлари ҳам яхши самара берди. 13 та техника янгилиги амалиётга тадбиқ этилиб, катта иқтисодий фойда кўрилмоқда.

«2-автомобил» корхонаси ҳам бу борада илгорлар сафидан ўрин олди.

Азиз БАЛИЕВ

Пойтахт жамоалари галабаси

КЕЧА

мамлакат X миллий чемпионатининг ўтказилган 27-турида пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» ва «Трактор» жамоалари рақиблари устидан галаба қозонишди.

Ўз майдонида «Зарафшон»ни қабул қилган пахтакорчиларнинг 1:0 ҳисобида меҳмонларни енгиши тошкентлик футбол шикозларини севинтирди. Чунки совринли ўринлардан бирига сазовор бўлишга интилаётган «Пахтакор» унч оқолар жуда зарур.

«Трактор» эса Ангренда

«Семурғ»ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Фақат пойтахтнинг яна бир жамоаси «Академия» сарфарида Наманганнинг «Навбахор» жамоасига 2:4 ҳисобида имкониятни бой берди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Металлург» — «Турон» 1:0, «Сурхон» — «Самарқанд» — «Динамо» 1:0, «Сўғдиёна» — «Нафтич» 0:1, «Қизилқум» — «Андижон» 1:0, «Кимёгар» — «Дўстлик» 2:1.

Навбатдаги 28-тур учрашувлари 2 октябрда бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Аҳоли дастурхонига

Шаҳримизда бундан бир неча йил аввал ташкил этилган «LAZ OGLU» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси тадбиркорлари сархил ширинликларни ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли дастурхонига тортиқ этишни олдларига мақсад қилиб қўйишган эди.

Айни кунларда эзгу ният амалга ошиб, хорижий линиялар билан жиҳозланган ушбу корхонада 3 турдаги ҳолва ҳамда қандолат маҳсулотларининг бошқа турлари

ишлаб чиқарилмоқда. Бежирим идиш ҳамда пакетларга қадокланаётган ушбу маҳсулотлар мазаси, сифати билан ўз хараидорига эга бўлган. Ҳар йили савдо шохобча-

ТАДБИРКОРЛИК

лари билан тузилган шартномага кўра 2-3 тонна ҳолва маҳсулотини ишлаб чиқарамиз, — дейди корхона директори Жасур Қўзиёев. — Бу борада 10 нафар ишчи астойдил меҳнат қилишади. Келгусида ҳам Россия, Эрон давлатлари билан ҳамкорликни мустақкамлаш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, четга ҳам экспорт қилиш режамиз бор.

Дилноза ФИЁСОВА

ишланган учрашуви ўтказилди. Мақсад янги мустақил давлатлар — Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви имкониятларини қўриб чиқиш, уларга сиёсий ва иқтисодий кўмак беришдан иборат эди. Янада аниқроқ қилиб айтсак, Европа ва Осиёни боғловчи Европа — Кавказ — Осиё транспорт йўлига — ТРАСЕКАни барпо қилиш масаласини атрофлича муҳокама қилиш кўзда тутилган. Режа барчага маъқул тушгач, келишув тўғрисида декларация қабул қилинди.

Ўтган вақт давомидида ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш бўйича

фишланган учрашуви ўтказилди. Мақсад янги мустақил давлатлар — Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви имкониятларини қўриб чиқиш, уларга сиёсий ва иқтисодий кўмак беришдан иборат эди. Янада аниқроқ қилиб айтсак, Европа ва Осиёни боғловчи Европа — Кавказ — Осиё транспорт йўлига — ТРАСЕКАни барпо қилиш масаласини атрофлича муҳокама қилиш кўзда тутилган. Режа барчага маъқул тушгач, келишув тўғрисида декларация қабул қилинди.

Ўтган вақт давомидида ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш бўйича

Буюк Ипак йўли — тараққиёт йўли

кўплаб амалий ишлар қилинди. Давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, тегишли вазирликлар доирасида халқаро учрашувлар, илмий анжуманлар ўтказилди. Янги лойиҳалар ишлаб чиқилди. 1996 йилда Грузия, Озарбайжон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида Транскавказ коммуникация йўлининг барпо қилиш бўйича имзоланган Сарахс шартномаси, шунингдек, Марказий Осиё ва Эрон темир йўлларининг туташтирилиши ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга татбиқ қилишда асосий босқичлардан бўлди. Янги йўллар орқали юк ташила бошланди.

Бунинг фойдаси яққол кўрина бошлади. 1998 йилда Грузия, Озарбайжон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида Транскавказ коммуникация йўлининг барпо қилиш бўйича имзоланган Сарахс шартномаси, шунингдек, Марказий Осиё ва Эрон темир йўлларининг туташтирилиши ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга татбиқ қилишда асосий босқичлардан бўлди. Янги йўллар орқали юк ташила бошланди.

Хўш, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон учун бу йўл қандай аҳамиятга эга?

Равшан МАХМУДОВ,
ЎЗА мухбири.

XXI саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Корхоналар банкротлиги ва санациса масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

• Тошкентда Курғоқчил минтақаларда қишлоқ ҳўжалиги бўйича илмий-тадқиқотлар халқаро марказининг (ИКАРДА) Марказий Осиё ва Кавкази ми мамлакатлари бўлими бешинчи минтақавий мувофиқлаштирувчи кенгаши иш бошлади.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон давлат ташиқ ишлар вазири Умар Абдулла Ўзбекистон ташиқ сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов билан учрашди.

• **Кеча** Урал савдо-саноат палатаси ва Свердловск вилояти тадбиркорлари делегациясининг мамлакатимизга ташиқфи доирасида бизнес-семинар ўтказилди. Унда меҳмонлар Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишди.

• Республика биржа марказида ўтказилган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мавзусига бағишланган ўқув семинарида мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш истиқболлари ва Япониянинг бу соҳада эришган ютуқлари ўрганиб чиқилди.

• **Кеча** республика Ер ресурслари давлат қўмитасида ер тўғрисида яратилган рангли Атласнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Бадиий академиясининг пойтахт вилоятининг хўшманзара ҳудудларидан бири — Оқтошдаги ижод уйи фойдаланишга топширилди. Бу ерда Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб дастлабки тадбир — республика рассомларининг биринчи симпозиуми иш бошлади.

• **Кеча** Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисда Президентимизнинг Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

• «Ўзэкспомарказ»да Республика «Ижодкор-ихтирочи болалар» кўргазмаси очилди.

• Фарғона вилоятининг Сўх, Риштон, Ўзбекистон ва бошқа туманларда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси юртимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ҳамширалар ўртасида ўтказган республика танловининг финал босқичи Фарғона вилоятидаги «Чимён» санаторийсида бўлиб ўтди. Унда мазкур санаторий ҳамшираси Т.Сайдирипова ғолиб бўлди. Ҳамшира соврин сифатида қўлга киритган янги «Дамас» микроавтобусини ўзи меҳнат қилаётган жамоага ҳадя этди.

• Шу ҳафта охирида — шанба кунни тошкентликларни қизиқарли тадбир кутмоқда. Шу кунни Индонезия Республикасининг элчихонаси «Индонезия кунни — 2001» номи остида хайрия бозори ўтказди. Ушбу тадбирдан тушган маблағлар Ўзбекистоннинг хайрия ташкилотларига берилади.

• Тошкентда ўтказилаётган шахмат бўйича эриқалар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида еттинчи тур баҳслари якунланди. Бухоролик Фахриддин Сатторов унда ғолиблик қилмоқда.



Жаҳонда

• Деҳли шаҳридаги «Конституция клуби»да Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

• МДХ мамлакатларининг терроризмга қарши курашдаги ўзаро таъсири Россия Президентининг Озарбайжон, Туркменистон, Украина ва Қозғистон раҳбарлари билан телефон орқали мулоқотидида бош мавзу бўлди.

• Марказий Осиё давлатлари бўйлаб сафар қилаётган Россия Хавфсизлик Кенгашининг котиби Владимир Рошайлов душанба кунни Алматыга келди. Бу ерда у қуролли тўғрисида раҳбарлари ва Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбаев билан маслаҳатлашувлар ўтказди. АҚШда рўй берган террорчилик ҳаракатларидан сўнг жаҳонда юз бераётган вазият муҳокама қилинди.

• **Кеча** Франция Президенти Жак Ширак АҚШ Президенти Жорж Буш билан музокаралар олиб бориш учун Вашингтонга келди. **Бугун** Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Вашингтонга келди.

• Энг сўнгги хабарларга қараганда, АҚШдаги террорчилик ҳужумлари оқибатида ҳалок бўлганлар сони **кеча** 5422 нафарга етди. Ҳозирга қадар 201 нафар мурда ваيرانлар ичидан олиб чиқилган.

• Маълумки, Оқ уй раҳбари Жорж Буш ўз чиқишида айни террористик акти Американи очилган уруш сифатида баҳолаган эди. Айни пайтда АҚШ ҳарбийлари уруш тайёргарлигида туришди. Бироқ мамлакат аҳолиси ўртасида ўтказилган тезкор сўровда иштирок этган ҳар уч кишидан икки нафари айни уруш қимга қарши қаратилиши кераклиги ҳақидаги саволга жавоб бера олмаган. Шунингдек, қўнилик учун Пентагоннинг ҳарбий режаси қачон ва қандай қўришишда амалга оширилиши мавзусидаги қолмоқда.

• Россия Мудрофа вазири Сергей Иванов АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси К.Райс ва америкалик ҳамкасби Д.Рамсфелд билан сўм орқали ўтказган мулоқотида 11 сентябрдаги террорга дахлдор бўлган ўзидида мавжуд барча маълумотларни Оқ уйга етказишга тайёр эканлигини билдирди.

• Женева аэропорти маъмурияти самолёт ичида пиколар ва бошқа қирқма буюмларни олиб ўришни тақиқлади.

• **Кеча** Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе фуқаролар иттифоқи ҳўмрон партияси раҳбари лавозимидан кетиши ҳақида баёнот берди. У шунингдек, муҳолифат билан кенг мулоқотни бошлашини ҳам айтиди.

• Кейинги душанба кунни АҚШ Президенти Жорж Бушнинг нутқи билан очилиши режалаштирилган БМТ Бош ассамблеясининг сессияси анча кейинги муддатга қолдирилди. **Кеча** БМТнинг расмий вакили ана шу ҳақда хабар берди. Унинг сўзига қараганда, хавфсизлик мулохазаларидан келиб чиқиб ана шундай қарор қабул қилинган.

• **Кеча** бўлиб ўтган Германия федерал замини ички ишлар вазирларининг кенгашида терроризмга қарши курашни қўйиштириш юзасидан чоралар муҳокама қилинди. Жумладан, визалар олиш учун илтимосномаларни янада синовчилик билан қўриб чиқиш тавсия этилди.

• **Кеча** Нидерландия қирличаси Биатрис тахтда сўзлаган нутқида терроризмнинг барча турларига қарши курашши зарурлигини таъкидлади.

• Яқин Шарқда вазиятнинг ўмашши белгилари кўзга ташланди. Фаластин раҳбари Ёсир Арофат қўшинларга ўт чиқариш тўхтатиш тўғрисида буйруқ берди. Исроил Бош вазири Ариэль Шарон Фаластин ҳудудларидан қўшинларни олиб чиқишини эълон қилди.

• Ўзбекистоннинг Афғанидаги бош консулхонаси Ўзбекистон-Греция дўстлик жамияти билан ҳамкорликда ўтказган «Ўзбекистон биласизми» мавзусидаги танловда Тошкентда туғилган ва ҳозирги кунда Греция пойтахтида шифокор бўлиб ишлаётган Михаил Наврозидис танлов ғолиби деб топилди. Танлов ғолибига «Ўзбекистон ҳақ йўллари» миллий авиаконкомпаниясининг Грециядаги ваколатхонаси тақдир этган бош муқофот — Ўзбекистонга бир ҳафтalik йўлланма ҳамда Афина-Тошкент-Афина йўналиши бўйича авиачипта тантанали равишда топширилди.

• Франциядан Ўзбекистонга келган хўшхабарда айтилишича, мамлакат алийинлилари Монблан йўлидаги бешта чўққини забт этганлар. Об-ҳавонинг нуқолийлиги боис айрим чўққилар ҳали олдинда турибди.

• Қозғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган қўл жанги бўйича Евро-Осиё биринчилигида ўзбекистонлик бошқа спорт усталари қаторида Андижон темирйўли бекати тармоқ ички ишлар бўлинимаси нозир Сайдулла Абқаров иштирок этиб, ўз вазн тоифаси бўйича барча рақибларни мағлуб этди ва финалда бошқирдистонлик жаҳон чемпиони Венер Галиев устидан соф галабага эришди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёни кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан чамбарчас боғлиқлигини яна бир бор алоҳида таъкидлади. Негаки, уларнинг ялпи ички маҳсулот яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини оширишда ўзига хос муҳим ўрни бор. Албатта, иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга интилаётган тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш, уларнинг сердаромад инвестицион лойиҳалари, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банкларининг амалиёт ёрдамлари муҳимдир. Пойтахтимиздаги «Ўзтадбиркорбанк» амалиёт бошқармаси бошлиғи Анвар РАШИДОВ амалга оширилаётган бугунги ишлар ва келгусидаги мақсад ва вазифалар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Мамлакатимизда банк тизими фаолияти ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Турли мўлчилик шаклига асосланган банклар ташкил этилиши натижасида улар ўртасида мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш бўйича рақобат юзага келмоқда. Банклар ўз мижозларининг талабларини тезроқ қондиришга, уларнинг эҳтиёжларига жуда тез муносабат билдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Сирасини айтганда, банкларимиз иқтисодий тараққиётнинг қудратли таянчи бўлиб бормоқда.

Республикаимизнинг йирик банкларидан бири саналмиш «Ўзтадбиркорбанк» ҳам 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, номига яраша ўз олдига иқтисодиётимиз равнақини таъминлашда ўзига хос ўринга эга бўлган тадбиркорликни ривожлантиришга, уларни қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўишини мақсад қилиб қўйган. Банкнинг амалиёт бошқармасида 180 нафардан зиёд малакали ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар мобайнида банкнинг молия бозорига ўз ўрни ва мавқеига эришиш йўлида саъй-ҳаракат қилди. Мижозларга юқори сифатли банк хизматини кўрсатиш, қимматли қўғозлар бозорига воситачилик фаолияти, депозитар хизматлар, омонатларни ошириш ва бошқа банк хизматларини кўпайтириш мақсадида «Ўзтадбиркорбанк»ни 2001–2005 йиллар даврида ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, унда устувор йўналишлар белгиланган. Шунинг алоҳида айтиш лозимки, «Ўзтадбиркорбанк» ўз мижозларига яхши ва имтиёзли шартлар яратишга ҳаракат қилиб, омонатлар бўйича фойз ставкаларини тўғривсиз ошириб бормоқда ва уларнинг муаммоларини бевосита қўл қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 6 июлдаги «Банк тизимининг асосий кўрсаткичлари устидан мониторинг ўрнатиш тўғрисида»ги 258-сонли қарорига мувофиқ банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари кун сайин мониторинг қилиб боришмоқда.

Бизнинг амалиёт бошқармаси ҳам ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда 300 та яқин кичик ва ўрта бизнес субъектларига замонавий банк хизматини кўрсатмоқда. Шу билан бирга бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга оширишга эътибор қаратиб имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини ташкил этдик. 2000–2001 йиллар давомида бошқармаси томонидан ўрта ва кичик бизнес субъектларига 199,9 миллион сўмлик кредитлар берилган бўлиб, уларнинг тармоқлар бўйича тақсироти қуйидагича: савдо-сотиқ учун

57,3 миллион сўм, хизмат кўрсатиш ва тиббиёт соҳасига 46,8 миллион сўм, ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқларга 81,7 миллион сўм ва қишлоқ ҳўжалиги учун 14,1 миллион сўмни ташкил этади. Асосий ва ишончли мижозларимиз саналмиш «Технотекс» қўшма корхонаси, «Фуркат» хусусий фирмаси, хусусий тадбиркор Фахриддин Тошпўлатов ва бошқалар билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бераётганлиги, улар сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариб, иқтисодиётимиз ривожига ўз улушини қўшаётганлидан мамнунимиз ва бу борадаги ишларимизни ҳамини давом эттираверамиз.

Бундан ташқари бошқармамиз бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналарни кредитламоқдалар. Лекин кредитлаш жараёнида бошқа бир муаммолар пайдо бўлмоқда. Хусусан, банк амалиёти шунини кўрсатадики, халқ ҳўжалиги тармоқлари ўртасидаги жиқлий фарқлар кредитга лаёқатлилик коэффициентларини барча тармоқ корхоналари учун ягона аҳамияти хусусида гапириш имконини бермайди. Корхоналарнинг молиявий аҳволи кўп жиҳатдан тармоқдаги аҳвол билан белгиланади. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг молиявий аҳволи баҳоланаётганда, аввало корхона фаолияти бўйича

ҳисобланган коэффициентларни ўртача тармоқ коэффициентлари билан таққослаш зарур.

Банкнинг асосий мижозлари кичик ва хусусий тадбиркорлик вакиллари билан иборат бўлганлиги сабабли уларга хизмат кўрсатишнинг ўзига яраша хусусиятлари мавжуд. Бу асосан уларнинг қўпчилиги ҳўжалик юртида зарур қўнмақларга эга эмаслигини, Шунингдек, ҳўжалик юртининг ҳар бир тармоғи бўйича зарур мутахассислар йўқлиги ҳам биз учун муаммо бўлиб бормоқда. Мижозлар билан ҳамкорлик қилиш самардорлигини ошириш учун кредит ходимлари, шунингдек тармоқ бўйича мижозларга бевосита хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг иштироклашуви зарур. Бу ходимлар у ёки бу корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этишининг барча масалаларини билиш имконини билдирган бўлишлари эга бўлишлари керак. Шу сабабли ҳўжалик юртида малакали маслаҳат бериш, уни зарур даражада ҳўжжатлаштириш зарурати туғилади. Банкнинг ана шу муносабатини ҳисобга олиб ушбу масалаларда ўз мижозларига консалтинг ва маркетинг хизматлари кўрсатмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳозирги пайтда бизда банк мижозлари билан ҳамкорлик қилиш тизими ўзлаштирилди. Бу тизим мижознинг баланси ва молиявий аҳволини компьютер дастури асосида таҳлил қилишни; ишлаб чиқаришни қарор топтириш ва ривожлантиришнинг турли босқичларида мижозларнинг бизнес режаларини тузишда ҳамкорлик қилишни; у ёки бу лойиҳаларнинг самардорлигини баҳолаш ва шундан кейин уларни молиялаш ҳамда лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўрнатишни қамраб олади.

Банкнинг ҳорижий инвестицияларни жалб этишга эътибор қаратиб 1995 йилдан бун «Кроссворкс» Осиё-Америка кредитлаш компанияси билан ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунгача компания билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 36 та лойиҳа амалга оширилди.

Биз тадбиркорларни қўллаб-қувватлар эканмиз, ҳалқимизнинг фаровон яшаш, Ватанимизнинг шон-шавкати, банк тизимининг истиқболли учун жавобгарлигини ҳамини англаб етмоғимиз ва бутун саъй-ҳаракатимизни шунга қаратмоғимиз керак. Шунингдек, доимо ўз мижозларимизни маблағ билан қўллаб-қувватлаш банкка фойда келтиришини инобатга олиб, улар билан ишлаш сиёсатини ривожлантириб бормоғимиз даркор.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

ИЗЛАНИШЛАР

Мамлакатимизда матбуот чоп этиш ишлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Бу, матбаа ва ноширчиликдаги муҳтақам технологик негиз ривожига билан боғлиқ, албатта.

Матбаа саноатининг технология негизи

Шу боис республикаимизда матбаа саноатини юксалтириш билан боғлиқ қатор технологик масалаларга эътибор қучайтирилмоқда. Бу борада илмий асосланган техника ижодкорлиги ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг матбаа ва босма маҳсулотлар дизайни кафедраси олимларининг изланишлари ҳам самарали бўлмоқда.

Матбаа саноатининг янги технологияларини яратишнинг илмий асослари устида олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти бугунги кунда амалиётга татбиқ қилинди. Матбаачилик соҳасида компьютер технологиялари ҳамда автороботларнинг янги намуналари юзага келди.

Бизнинг илмий ютуқларимиз натижаси ўлароқ рўйбга чиққан янги технологиялар мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда, — дейди кафедра ўқитувчиси Халима Бобонова. — Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган ўтказилган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури: пахта тўзалаш, тўқимачилик ва енгил саноатнинг ривожланиши асоси» деб номланган республика илмий-амалий конференциясида олимларимиз илмий ютуқлари ҳақида илиқ фикрлар билдирилди. Чиндан ҳам истиқлол йилларида кафедрамиз матбаачилик соҳаси

Ҳақиқий ҳамкормиз

МУСОҲАБА

сан уларнинг қўпчилиги ҳўжалик юртида зарур қўнмақларга эга эмаслигини, Шунингдек, ҳўжалик юртининг ҳар бир тармоғи бўйича зарур мутахассислар йўқлиги ҳам биз учун муаммо бўлиб бормоқда. Мижозлар билан ҳамкорлик қилиш самардорлигини ошириш учун кредит ходимлари, шунингдек тармоқ бўйича мижозларга бевосита хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг иштироклашуви зарур. Бу ходимлар у ёки бу корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этишининг барча масалаларини билиш имконини билдирган бўлишлари эга бўлишлари керак. Шу сабабли ҳўжалик юртида малакали маслаҳат бериш, уни зарур даражада ҳўжжатлаштириш зарурати туғилади. Банкнинг ана шу муносабатини ҳисобга олиб ушбу масалаларда ўз мижозларига консалтинг ва маркетинг хизматлари кўрсатмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳозирги пайтда бизда банк мижозлари билан ҳамкорлик қилиш тизими ўзлаштирилди. Бу тизим мижознинг баланси ва молиявий аҳволини компьютер дастури асосида таҳлил қилишни; ишлаб чиқаришни қарор топтириш ва ривожлантиришнинг турли босқичларида мижозларнинг бизнес режаларини тузишда ҳамкорлик қилишни; у ёки бу лойиҳаларнинг самардорлигини баҳолаш ва шундан кейин уларни молиялаш ҳамда лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўрнатишни қамраб олади.

Банкнинг ҳорижий инвестицияларни жалб этишга эътибор қаратиб 1995 йилдан бун «Кроссворкс» Осиё-Америка кредитлаш компанияси билан ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунгача компания билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 36 та лойиҳа амалга оширилди.

Биз тадбиркорларни қўллаб-қувватлар эканмиз, ҳалқимизнинг фаровон яшаш, Ватанимизнинг шон-шавкати, банк тизимининг истиқболли учун жавобгарлигини ҳамини англаб етмоғимиз ва бутун саъй-ҳаракатимизни шунга қаратмоғимиз керак. Шунингдек, доимо ўз мижозларимизни маблағ билан қўллаб-қувватлаш банкка фойда келтиришини инобатга олиб, улар билан ишлаш сиёсатини ривожлантириб бормоғимиз даркор.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

ТАДБИРЛАР

«Олтин ниҳол»

Яккасарой туманида Оналар ва болалар йилли ҳамда Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган аёллар ва болалар маънавият ва маърифат марказининг тантанали очилиш маросими ҳамда болаларнинг тасвирий санъат ва бадиий графика бўйича «Олтин ниҳол» фестивали бўлиб ўтди.

Маросимда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова сўзга чиқиб, марказнинг келгусидаги хайрли ишларида омадлар тилади, шунингдек меҳр-муруватга ташна қалбларга меҳр-саховат кўрсатиш, уларни маъна қўллаб-қувватлаш, саводхонлигини ошириш кераклигини таъкидлади.

Тадбирда иккионити чекланган ногирон болаларнинг ота-оналари ҳамда шаҳримиздаги элчиҳоналар вакиллари қатнашдилар ва сўзга чиқдилар. Тошкент шаҳар ҳамда Яккасарой туман ҳокимлиги томонидан ўтказилган ушбу фестивалда ёш томошабинлар театри артистларининг чиқишлари, «Ором», «Бул-будча» болалар дасталари ижросидаги куй-қўшиқлар кўнгли ўқсик қалбларга бир олам шодлик бахш этди.

— Фестивални ўтказишдан асосий мақсад, — дейди ушбу марказ раҳбари Зухра Раҳматуллаева, — ногирон болаларни соғлом болалар билан тенглаштириш, ҳам маънавий -маданий онгини юксалтириш, уларни мустақил ҳаётга ўргатиш, саводини ошириш ҳақ-ҳўқуқларини танитишдан иборат. Мен бугун жуда бахтиёрман. Чунки орамизда саховатли, меҳрли, қалби дарё инсонлар жуда кўп. Бунинг учун ўтказилган тадбиримизда гувоҳи бўлдим. Қалби ниҳолдек нозик меҳрга ташна болаларга жуда кўп ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

Ҳозирги кунда ушбу марказга шаҳримиз туманларидан 700 га яқин болалар ва аёллар ташриф буюриб, ҳунар ўрганмоқдалар. Тикувчилик, зардўзлик, расомчилик, нақш чизиш сингари ҳунарларни улар қизиқиб ўрганмоқдалар. Келгусида марказ аъзолари инглиз тили, компьютер бўйича ҳам сабоқ оладилар.

Тадбир сўнггида болаларнинг тасвирий санъат ва бадиий графика бўйича ўтказилган «Олтин ниҳол» фестивали ғолиблари аниқланиб муносиб совғалар билан тақдирландилар.

Дилором ИКРОМОВА

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

№ 2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва «Тошшаҳармаишийхизматушумасининг саҳифаси

Кундалик турмушимизда маиший хизматнинг ўрни каттадир. Чунки аҳолининг маиший хизматга бўлган талаби кейинги йилларда, айниқса ортиб бормоқда. Шу боис ҳам ушбу талабни қондириш мақсадида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тошшаҳармаишийхизматушумаси» хизмат турларини кўпайтиришга, соҳа ишини ривожлантиришга, мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар хил турдаги корхоналарнинг иш фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солишга алоҳида эътибор билан ёндошмоқдалар.

— «Элга хизмат — олий ҳиммат», деб бежизга айтилмаган, — дейди уюшма раҳбари Саидумар Аълоев. —

ишлаб чиқариш тижорат фирмасига қарашли 22 ишчи ўринли, Миробод туманидаги «Сенаско-Трейднинг» «Ўзбекистон — Швейцария» қўшма корхонасига қарашли 4 ишчи ўринли сартарошхоналар, Шайхонтоҳур туманидаги «Гулчехра бизнес» хусусий фирмасига қарашли кимёвий тўзалаш шохбачаси, Собир Раҳимов туманидаги «Чарос-Шоҳдил» хусусий фирмасига қарашли мебель ясаш ва таъмирлаш устaxonаси, Юнусобод туманидаги «Интран-Сервис» масъулияти чекланган жамиятига қарашли автомашиналарни таъмирлаш ва бошқа қўллаб-шохбачаларимиздаги намунали хизматдан мижозларимиз мамнун бўлишмоқда.

Ўтган ойлار мобайнида битта янги

Талаблар даражасида

Бунга амал қилган уюшмамиз жамоаси республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва унга асосан Тошкент шаҳар ҳокими қарорини амалга ошириш борасида иш юритиб, шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини, тадбиркорлар ишларини яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида туман ҳокимликлари билан биргаликда 2001 йилга тадбирлар ишлаб чиққан ва унга асосан ўтган ойлар мобайнида бирмунча ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида шаҳар бўйича аҳолига маиший хизмат кўрсатиш умумий ҳажми 8659,6 миллион сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш 4016,1 сўмга етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аҳолига керакли маиший хизмат турларини кўпайтиришга, янгиликларини очиб беришга қаратиш натижасида ўтган ойларда 375 та маиший хизмат шохбачаси ташкил этилди ва 1050 ишчи ўрни яратилди. Энг муҳими, намунали хизмат кўрсатишни ўз зиммаларига олган ушбу шохбачаларнинг қўпчилиги замонавий жиҳозланган, ишлар янги технология асосида олиб боришмоқда. Айниқса, Мирзо Улугбек туманидаги «Марал-Муҳаббат» хусусий

— тегирмон ва иккита унутилган маиший хизмат тури — чинни буюмларни таъмирлаш ва танишув хизматлари фаолият кўрсата бошлади. Юқоридаги маиший хизмат шохбачалари асосан хусусий корхоналар, тадбиркорлар ва чет эл фуқароларининг сармояларига очилмоқда.

Шунингдек, уюшмамизга қарашли сартарошхоналарда Наврўз, Ҳайит, Мустақиллик, Хотира ва қадрлаш кунини байрамлари арафасида кексалар ва ногиронларга саховат кўрсатилиб, бепул хизматнинг ташкил этилаётганлиги қўпчилики мамнун этмоқда.

Эл хизматида ҳамини шай турган жамоамиз аҳлининг олдига қўйган мақсад ва вазифалари кўп. Уларни амалга ошириш йўлида куч-ғайрат ва билим, маҳорат сарфланмоқда. Шаҳримиз аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш маданийтини ошириш, одамларга энг керакли ва зарур хизмат турларини ташкил этиб, уларнинг оғирини енгил қилиш, янги ишчи ўринлари яратиш, мижозлар талабини доимо эътиборга олиш ҳамда жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатадиган, замонавий жиҳозланган қўшма корхоналар сонини кўпайтириш доимий диққат марказимизда туради. Истагимиз ана шу саъй-ҳаракатларимиз натижасида маиший хизмат ҳар бир хонадонга кириб боссин.

(Ўз муҳбиримиз)

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

Ҳар биримиз дўконларга кириб, кўнглили харид қилганимизда қайфиятимиз кўтарилади. Лекин қўпчилигимиз ҳаридимизни шовиб сумкага жойлаймизу сотувчи томонидан берилган чекни олишни ҳам унутиб уйга отланамиз. Ушбу кичкина қўғознинг айрим пайтларда ниҳоятда зарур бўлиб қолишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Харидингиз ҳақидаги чек истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилувчи, маҳсулот ёки кийим-кечакнинг шу ердан сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Уйга борғач олган нарсангизнинг сифатсиз ёки сохта эканлигини кўриб таъбингиз тирриқ бўлганда, агар ўша чек қўлингизда бўлса, сиз Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига ёрдам сўраб му-

«Чек»ингизни унутманг

рожаат этишингиз ва ўз ҳақ-ҳуқуқингизни тиклашингиз мумкин бўлади. Агарда қўлингизда чек бўлмаса, сотувчининг харидни шу ердан қилганингизга ишонтира олмайсиз ва ҳар қандай «олижаноби» ҳам бунини олишини истамайди.

Албатта, ҳозирда бозор ҳамда кўчалардаги савдо нуқталарида тижорат дўконларида касса аппаратлари ўрнатилмаган, шу боис ҳам бу ерда сизга

ҳеч қандай чек беришмайди. Шунинг учун ҳам юқоридаги бошқарма мутахассислари харидорларга шунини таъкид этади: агар сиз ана шундай савдо нуқталаридан харид қилмоқчи бўлсангиз, албатта олган нарсангиз шу ердан эканлиги ҳақида сотувчидан далолатнома олишингиз керак. Бу билан сиз сифатсиз хариднинг олдини қисман бўлсада олган бўласиз.

Нима бўлганда ҳам ҳар бир ишга эътиборингизга ёндошган яхши-да. Шунинг учун ҳам ҳар доим харид қилганингизда сотувчи тутқазган чекни олишни унутманг. Чунки ана шу кичкина қўғоз сизга баъзи нохушликларнинг олдини олишда қўл келади, сифатсиз ва сохта харид учун беҳуда қўйиб қолмайсиз.

СУРАТЛИ АХБОРОТ

Бу ерда чаққон ва қўли гул тикувчилар меҳнат қилишди. Улар аёлларимизнинг қадди-қоматига жуда ҳам мос келадиган бири бириндан чиройли, нафис ва замонавий либосларни тез ва соз тикиб беришди.

Ҳа, дарҳақиқат, эл хизматида бўлганга нима етсин. Шаҳримиздаги уларнинг сийқилил меҳнатлари ва хизматлари билан олқили олаётган маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳақида ҳар қанча илиқ сўзларни айтсак арзийди.

(Ўз муҳбиримиз)

Шунингдек, фирма ходимлари аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида яқин кунларда пойтахтнинг «Олой» бозори ҳамда Жанубий вокзал худудларида ҳамда ана бир неча маҳалаларда қабул пунктлари очилиш режалар турибди. Энг муҳими эса мижозларга талаб даражасида хизматни ташкил этишдир.

СУРАТДА: Фирма оператори Шукрулла Мўминов ўз ишининг устаси саналади.





Буюк аждоқларимиз Ибн Сино ҳақида қасида

Хабар қилинганидек, ўтган ҳафтада Абу Али ибн Синонинг туғилган кунини Бухорода «Буюк мерос ва замонавий цивилизация» деб номланган II Ибн Сино халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман Халқаро Ибн Сино фонди томонидан ташкил қилиниб, унга АКШнинг Халқаро Тараққиёт Агентлиги, БМТнинг Болалар фонди, Қўмақ Фондининг Очқ қасида институтини ҳам қўллаб-қувватлади. Анжуманда қирққа яқин илмий маърузалар тингланди.

«Тошкент окшомининг фаол муаллифларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқ-шунослик институти Шарқ кўлэмалари фондининг мудири, Халқаро Ибн Сино фонди Бошқарув хайъатининг аъзоси, тарихчи олим Махмуд Хасаний ҳам анжуманда иштирок этди. Бугун биз олимнинг Ибн Синога бағишланган қасидасини оқшомхонлар диққатига ҳавола этмоқдамиз.

Ибн Сино то дунё турғунча бор экан,
Учмас шону шухрати доим унга ёр экан,
Унинг ақл нуридан жажал тору мор экан,
Буюк Турон халқига ажиб ифтихор экан,
Қисқаси жаҳон ичра воҳиди аброр¹ экан.

Минг йил аввал бу олим Афсонада туғилди,
Бухор деган бир олий қошонада туғилди,
Улуғ деган тамғаси пешонада туғилди,
Ёшларидан ягона ишонада туғилди,
Гўдақлиқдан буюк бир хотирага ёр экан.

Ун саккизга етганда соҳиб улум² бўлди,
Оламга шон таратди, машхури умум бўлди,
Улимдан бошқа сирлар барчаси маълум бўлди,
Дарс айтолмай устозлар онгида курум бўлди,
Фазилатлар Аллоҳдан унга кўп нисор экан.

Ун саккиз ёшида у бўлдоқ хозик табиб,
Амир Нух ибн Мансур жонига бўлди ҳабиб,
Иллатдан ўлмок учун бўлган эди анкариб³,
Бу Алини қақариб келди одам юбориб,
Даволашда Бу Али ҳазоқатга⁴ ёр экан.

Нотинч бўлди Бухоро, табиб учун тор бўлди,
Илм ахли бу ерда сарсон бўлди, хор бўлди,
Хоразмга отланди, тинчлик унга ёр бўлди,
Маъмунининг саройида олим бахтиёр бўлди,
Хоразм илм билан тулғалар диёр экан.

Урганч шаҳрида унга Беруний йўлдош эди,
Ибн Ироқдек олим барча фанда бош эди,
Абу Саҳл Масихий устозу сафдош эди,
Абул Хайр Ҳаммор ҳам барчага жондош эди,
Иқоид билан барчаси бир-бирига ёр экан.

Махмуд Ғазнавий охир Хоразмга чанг солди,
Юрт тинчлигин бузди дилга реву ранг⁵ солди,
Катта-кичик қалбига замонавий танг солди,
Ибн Сино кўнглини қора қилди, занг солди,
Замонани, кўрингим, ажаб қажрафтор⁶ экан.

Ибн Сино бош олиб кетди охир Гургонга,
Устоз бўлди шоғирди Абу Убайд Жузжонга,
Гургондан кетиб, етти сўнғ шаҳри Ҳамадонга,
Вазир бўлди Шамс уд-Давладек бир инсонга,
Шу кунгача Ҳамадон унга қабри бор экан.

Тўрт юз эллиқдан ортиқ асар ёзди аллома,
Фалсафа, тасаввуфни баён айледи хома⁷,
Илоҳий мантик ҳам ривож берди илхома,
Табабат баёнидан чўмди раҳмати ома⁸,
Табиб⁹, нужумда китоби қатор экан.

Рийзай¹⁰, мусика фанини баён қилди,
Кимё билан ахлоқни эл учун аён қилди,
Адабиёт, наҳва¹¹ ўзини намоён қилди,
Фанларнинг чегарасин элга бепоеён қилди,
Кўп асари дунёда ҳамон барқарор экан.

Кўп илмлар қатори шетрийтга жазм этди,
Табабатни шеър ила битмок учун азм этди,
Тўққизта «Ғужуза»ни бирма-бир назм этди,
Эл қалбига нур сочди, тунни мунҳазм¹² этди,
Вужуди осмон, қалби хуршиди анвор¹³ экан.

«Ал-Конун»ни дунёни ўз измига солибдур,
Олам ахли «Конун» дан ҳайрат ичра қолибдур,
Кўзга суртиб фаранглар¹⁴ ундан фойда олибдур,
Ундаги кашфиётдан уйлаб ақли толибдур,
Оврупода номлари тилларга тақдор экан.

Фарангда ағдарилди «Конун» ўнлаб тилларга,
Муҳаббатни ўрнади миллион-миллион дилларга,
Утаверди у яшаб эллар оша йилларга,
Сабаб бўлди асрлар қанча қолу қилларга¹⁵,
Бундай улуг асарнинг умри бетакдор экан.

«Шифо» сидан шифолар тоғди ақли замона,
Улуғ асарлар ичра бир асарки, дурдона,
Олам сиру асрори келтирилган баёна,
Инсон ақли қандайини етур бундай имкона,
Илм бир денгиз бўлса, бу дурри шахвор экан.

Ибн Сино кўп юрди, ҳаёти бедод бўлди,
Замонадан нолиди, ишлари фарёд бўлди,
Гоҳида у камалди, гоҳида озод бўлди,
Баъзида хафа бўлди, баъзан эса шод бўлди,
Олим учун замона шундай бекарор экан.

Буюк ишни амалга оширолди Бу Али,
Ҳеч киши қилолмаган бундай ижодни ҳали,
Мингдан биш ошибди, бундай ижодни ҳали,
Яна минг йиллару бўлур фанимизнинг сайқали,
Дунё аро адолат токи пойдевор экан.

Истиклолнинг шамоли тегди яна бу зотга,
Биз билан ҳамдам бўлиб кирмоқда ҳур ҳаётга,
Келажақда яна ҳам минадур улуг отга,
Дунё ташаккур айтур бу зоти барҳаётга,
Муҳиббийнинг қалби ҳам тўла ифтихор экан.

Махмуд ХАСАНИЙ

¹ Воҳиди аброр — улуг зотларнинг ягонаси.
² Соҳиб улум — илмларни эгаллаган киши.
³ Анкариб — яқин.
⁴ Ҳазоқат — ҳозиклик, сезгирлик.
⁵ Реву ранг — алдов, айерлик.
⁶ Қажрафтор — эгри юрвчи.
⁷ Хома — қалам.
⁸ Раҳмати ома — Аллоҳнинг умум раҳмати.
⁹ Наҳв — тил, грамматика.
¹⁰ Мунҳазм — қочриш, маҳв этиш.
¹¹ Хуршиди анвор — нузли қўш.
¹² Фаранг — Ойропо ва европалар.
¹³ Қолу қил — гап-сўз.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Дунё мўъжизалардан иборат

Агар соҳибқирон Амир Темурдай кишилар давлат тепасига келса ҳар беш юз йилда мамлакат жамоли тубдан ўзгаради, фаровонликка юз тутайди, деган тарихнавис Хафиз Абрў, бундай буюк инсонлар авлоду аждоқлар бахтидир. Мутафаккир тарихнависнинг бу фикрларини ўқиб, қамини ўз Ватанимга боқаман: шаҳарлар пайдо бўлиб, боғлар, равон кўчалар, муаззам кўприклар, тарихий ва маданий ёдгорликлар таъмирланиб бозору олийгоҳлар, уй-жойлар... қурилиб, мамлакат яшармоқда. Навқирон фарзандлар учун булар оддий ҳодисадай кўринади, аммо биз қаби эски дунёни кўрган жафокеш кексалар учун мўъжиза!

Мозийда Имом Аъзамга одамлар мурожаат этиб, ҳазрат, бир мўъжиза кўрсатинг, деган эканлар. Ушанда Ҳазрат, «Сиз менга бу дунёда мўъжиза бўлмаган бирон нарсани кўрсатингчи?» деган эканлар. Бу ривоят ҳаммага маълум.

Ун йил ичида мамлакатимизда кечаётган мўъжизаларни кўриб турибмиз, мавлоно Хафиз Абрўнинг беш юз йилда бўладиган мўъжизасини бизлар исботламоқдамиз, катта тарихий даврни бошдан кечирмоқдамиз.

Тараққиёт даври бошланди.

Матонат

Ўзбек деҳқони; у пахтакорми, галлакорми, соҳибкорми... мева дарактларини, гўза туллари-ни ўз фарзандидай авайлаб ўстиради. Бундай муҳаббат ҳеч бир халқда йўқ. Сартонда қафти қуйиб, жазирама билан курашиб, лаблари ёрилиб, қўллари қадқ бўлиб, ҳосил етказди. Икки йилдан буён сув танқислиги Аҳраман девдек ҳасад қилиб унинг боғини қуритмоқчи бўлди, аммо у бўлоқ сувларини, қудқ сувларини, сизот сувларини ишга солди, даласини қакратиб қўймади. Мана шу инсонларни қаҳрамонлар, деса арзийди.

Мутасаввуф тарикатининг машхур шоирларидан Муҳаммад Иқбол (1873-1938) ёзган эди:

Сен тунни яратдинг —
мен ёқдим чироқ,
Сен тупроқ яратдинг —
ясадим коса.
Сен яратган даштда
кўкартирдим боғ,
Сен яратган тоғда қон
қаздим роса.
Қумлардан ясадим ойнаю
бино, Заҳарлардан тоқдим
дардларга даво...

Ўзбек ғўдақорлари бу йил ҳам ишни дўндиридилар, пахтакорлар ҳам иншоолло, ишни дўндирадилар.

Бўриларнинг

йиртқиона увуллаши
Осмонимизда ярқираб, дунё ҳавасини келтириб турган ўн беш кўнгли Ойга қараб бўрилар увуллайдилар. Уни еб ташласан дейдилар. Бу азалий йиртқиона одат...

Ўзбекистоним ойдек жамолчини кўрсатмоқда. Афсуски, бир ховуч муҳолифаримизнинг ҳасадгүй, совуқ товушлари чет элдоги баъзи радиостанцияларидан эшитилмоқда. Ўзбекнинг ҳар хил вазасаларга ишонадиган даври ўтиб кетган! Аллоҳга шукроналар бўлсинки, мустамакка азобларини чекиб, эс-ҳушимизни йиғиб олганларданмиз! Орқасига новшадил қўйилган, қидолмаётганлар жазавада!

Куёшу Ер ва Ой абадиятдир, улар ўз ўқи атрофида айланиб, йўлларидан давом этабериладилар, юксалабериладилар, Куёшимиз абадий барқарор!

Ожизлик

Кўзи ожиз кўр инсонлар кўр эмас, улар ҳастимизни кўзи очиклардан яхшироқ кўриб турибдилар. Улуғ Рудакийнинг ҳам кўзи ожиз бўлган, аммо у дунёни ҳаммадан яхшироқ кўрган. Кўзи ожизларнинг қудрати заковатига, қалбига ва ҳатто бармоқларига ўтади. Уларнинг кўзлари ҳам, фикрлари ҳам очикдир. Лекин бошқача кўрлар бор, уларнинг кўзлари очик бўладию жамиятимиздаги порлоқ нарсаларни кўрмайдилар ва кўролмайдилар. Уларни чиндан ҳам кўр, деса бўлади.

Куёш Шарқдан чиқади

(Биз билган ва билмаган тарих)

Милоду ҳижрий саналаридан анча аввал Хитой савдогари Чан Цян ипак матолар, қимматбаҳо моллар ортилган туя қарвони билан қанча дашту саҳроларни кечи-иб, биз томонга — Сугд, Кушан ва Қипчоқ ерларига етган. Яксарт (Сирдарё), Ўқуз (Каспий) Хоразму Чоч диёрларидан ўтган. Ал-Хоразмийнинг «Китоб суратул арз» асарида у ат-Тороздан ўтиб, Самарқанд Бухороларга етган. Шу тариха буюк Шарқ билан Фарб ўртасида алоқалар бошланиб, тараққиёт дунёнинг бошқа томонларига буюк Шарқдан борганини олимларимиз исботлаб бердилар. Мусулмон фарзанди илм олмак учун Чинга (Хитойга) ҳам бормоги лозимлиги Куръони Қаримда ёзилган.

Ипак йўли фаровонлик, бойлик, тараққиёт йўли бўлиб қолди, буюк Шарқни қамситганлар янглишди. Ўзбекистон қадимий Ипак йўлини очди. Шунинг учун ҳам унинг йўли нихоятда улугдир.

Мустабид замондан

ўтган сарқит

— Ассалому алайкум! Бардам-милар? — деб идорага кириб келган хусусий тадбиркор Шерматх-

МИРМУҲСИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҚАТРАЛАР

ўжа ака телефонлар ёнида атайи қозғоғларга қумилиб ўтирган кимсага тавозе кўрсатди.

— Сиз ким бўласиз? — деди хайратомуз киши «Катта ого» тилида. Кейин бурни устидаги «вело-сипеди»нинг тепасидан мўралади.

— Кўшинингиз Шерматхўжаман.

— Иsobтовчи муҳажир борми? Таннимайман!

— Е, тавба! Бирга ўсганмиз-а, Фармон ака!

— Ўсган бўлсак ўсгандирмиз. Бу ер идора!

— Ердан сўраб келдим, фир-

мам оёққа турмоқда...

— Хужжатлар керак! Юридик

шахслардан тавсиянома, қафолат-

нома, ЖЭҚдан справка, милиция-

дан справка, маҳалладан справ-

ка, ксерокопия, шартномалардан

нусха, туман ҳокимиятининг қаро-

ри, копия, ксерокопия... Келаси

ҳафтаини сешанба куни қабул

қиламан!

— Ака, мен бу йигирма иккита

справкани қандай тўплайман?

Вақт зич-қу!

— Мен сизга «ака» эмасман,

Фармоновман! Мен хизматдаман!

— Тушунаман, Фармон Фармо-

нович, аммо жуда вақт зич, қўлим-

қўлимга тегмапти...

— Вақт йўқ бўлса, бошқа нарса

бордир? Ўйлаб кўринг, сиз таж-

рибали одамсиз...

— Тушундим. «Куруғидан»ми?

— Яхшилаб ўйлаб кўринг...

Бу нобакорлар қачон йўқола-

рин деб Шерматхўжа ака ҳамон

ўйлаб юрибди.

Илоҳий неъмат

Инсон қаригач қўл-оёқлардан дармон кетади, баъзан алфдек бел дол бўлади, кўзлар яралашади, юрак тепиши сустлашади, ортиқча югуриш-елишларга, мажлису маросимларга ҳафсала қолмайди... Лекин инсон вужудига асло қаримайдиган, аксинча, яшартирадиган, ҳаётга чамбарчас боғлайдиган бир нарса бор. У кўзга кўринмайди, чин инсонлар вужудига доимо барқарор туради.

Бу нима деб сўрасиз. Бу — му-

ҳаббат! Юз ёшга борган улук Саъ-

дий Шерозий бу ўтмиш, лекин

ўзимизнинг тўқсон ёшга кирган

Ҳабибий домла ҳам муҳаббат

ҳақида газаллар ёзиб, қўл бер-

ганлариди ишонмаган эдим. Йўқ,

устозлар ҳақ экан. Кексайган ил-

ларимда бу улуг шоирларнинг

юрак тугёнлари ҳаққоний экани-

ни англадим.

Чин Инсон кексайганда молу

мулки эмас, иймони, фарзандла-

ри ва муҳаббати билан ёлғиз

қоларкан, бу уч нарса илоҳийдир

ва муқаддасдир.

Жазирама ва Инсон

Бу йил 30 июнда Тошкентда ҳаво 45 даражага етди, Қашқадарё, Сурхондарё томонларни асти сўраманг! Дерезаларни очсангиз тандир оғзида тургандек бўласиз. Қорақалпоғистонлик, хоразмлик она-болалар, қари-қарталар мамлакатимизнинг сўлимоғи боғларига олиб келинди, Тошкент, гўзал Фарғона водийси ўз бағрига олди уларни. Ҳукуматга, шахсан Президентга ташаккуримизни изҳор қиламиз, гамхўрлик бўлса шунчалик бўлар-да! Гап битта, иккита одам устида эмас, мингларча инсонлар устида.

Пахта далаларида елкаси офтобда қуйиб, меҳнат қилаётган азаматлар — Жазирама ва Инсон бир-бири билан курашарди; бу жангда қочиш йўқ! Бу йил чилла кирмасданок хавонинг қизиб кетганини кимлардир Орол фожиасига, кимлардир дарёлар сувининг керагидан ортиқ исроф этилишига, кимлардир Куёшда «сачрашлар» бўлаётганига йўярди. Кимлардир гиванд моддалар тарқалиши, бағилларнинг қўпайиб, разолатта ботган жангари — каллаке-сар пайдо бўлаётганига ҳам йўярди.

Ҳақ йўлида курашаётган озод ва мустақил мамлакатимизни доимо Аллоҳ ўз паноҳида асрайди!

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади

«Барча тиллар ирмоқлар қаби катта дарёга қуйиладилар, ягона тил бўлади», деди мустабид тузум ҳукмдорлари. Хатто академик Р. Марр ҳам шундай «фикр»ни ўлимидан аввал «исботлаган» экан. Шу йўл билан нафақат ўзбек тилини, бошқа қардош гўзал тилларни ҳам йўқотмоқчи бўлидилар. Тил усталари Шорасул Зунун, Қасим Рамазон, адабиёт соҳибқиронлари Чўлпон, Қодирий, Ўлбек, Фитрату Тавалло... отиб ташланди.

Мустақиллик шарофати билан

Ўзбек тилимга Давлат мақоми бе-

рилди, Конституциямизда энг

юқори ўриндан жой олди: 4-мод-

да!

Лекин ҳозирги кунда ҳам «як-

забон» қиламан деяётган «ого» ва

«опа»ларимиз йўқ эмас. Кўр ҳас-

сасини бир марта йўқотади, асло

орқага қайтиш йўқ! «Агар менинг

тилим эртага уладиган бўлса, мен

ўзимнинг шу бугун улганим яхши»

деган эди азиз дўстим Расул Ҳам-

затов шўро замониди. Шоир чин-

дан ҳам бу сўзни айтди, халқини,

тилини ҳимоя қилди.

Баъзи укаларимга, гўзал қизла-

римга миллий гуруҳни асло йўқот-

манглар, ўзбек тили дунёдаги энг

гўзал ва сероҳанг тил деб айта-

ман.

Чарли Чаплин

маҳорати

Филми ўргатиб, циркда ўйнатадилар. Аммо буюк Чарли Чаплин бургани ўргатиб, циркда ўйнаган кинофильмлардан бизга маълум. Уша Чарли Чаплин керилиб кетган, манманликка берилиб кетган баъзи инсонларни одаимийликка ўргата олармикан?

Ёмон кўзлардан

ўзинг асрагин!

Ёмон одам тўйда жанжал кўта-ради. Бахту қўвончига чанг солмоқчи бўлади. Ун йиллик тўйимизда чет элдоги баъзи радиостанциялардан муҳолифаримиз шаллақи хотинлардек оғизига келганини вайсамокдалар...

Ун йил илгари шўроларнинг «Известия» газетасида «Ўзбекистон без Москви» деган тухматомуз мақола босилиб, оғизига келган гапни шакллаган эдилар. «Ўзбекистон овози» газетасида қамина ўша бұхтонларга қарши «Жонга теғди!» деган мақола ёзиб, патосини ёрганамизда нафаслари ўчган эди. Буларнинг ҳам қўланса нафаслари ўчади, албатта!

Инсоннинг ёмони тўйларда жанжал кўтаради. Ёмон кўзлардан ўзи асрасин!

Шарқ дурдоналари

Ўз-Ўз ўртаниб доимо бўлар...

● Ҳар бир одам аввал ўзининг ташки кўриниши, қиёфасига қараб қабул қилинади, аммо кейин тарбияси ва фазилатига қараб тақдир этилади.

● Ижроси мушкул фикрни хотирангиздан чиқаринг. Ўзи тушунмаган сўзга аралашган киши беҳуда ўқ узган овчига ўхшайди.

● Улфатнинг шартли қулфатни тарк қилишдир.

● Куёш нури ифлос жойга тушгани билан қад-рисицланмайди.

● Эй фарзанд, қилган аҳдингга, ваъдангга вафо қил. Ваъдага вафо қилиш — жувонмард ва камол эгаларининг иши, мақташга лойиқ бўлган атоқли зотларнинг хислатидир. Юзи вафо холи билан безалган одам ҳамманинг кўнгил хушини ўз муҳаббати тузоғига илтиртмасдан қолмайди. Ваъдасига вафо қилмаган киши ўз обрўсини йўқотади. Эй фарзанд, бир кишига ваъда берсанг, ваъдангга вафо қил. Оқил киши бажаришига кўзи етадиган ишга ваъда беради. Ваъда бериб қўйиб, уддасидан чиқа олмай шарманда бўлишдан ёмон нарса йўқ, ш

